


**Р.Ж.Тожиев
Х.М.Садуллаев
А.С.Исомиддинов**

**ГАЗОДИНАМИКА ПРИНЦИПИНИ
КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА ТАДБИҚИ**



М О Н О Г Р А Ф И Я

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Р.Ж.Тожиев
Х.М.Садуллаев
А.С.Исомиддинов**

**ГАЗОДИНАМИКА ПРИНЦИПИНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА ТАДБИҚИ**

М О Н О Г Р А Ф И Я

**ФАРҒОНА
ФАРПИ «ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ»
нашриёт бўлими
2018**

УДК: 621.565:621.59

Такризчилар:

А.Тўхтақўзиев- Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий текшириш институти лаборатория раҳбари, техника фанлари доктори, профессор.

Х.Шодмонов- Фарғона политехника институти “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки қайта ишлаш технологияси” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди.

Р.Ж.Тожиев

Газодинамика принципини қишлоқ хўжалиги технологияларига тадбиқи: Монография/ Р.Ж.Тожиев, Х.М.Садуллаев, А.С.Исомиддинов; Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Фарғона политехника институти - Фарғона: ФАРПИ «ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ» нашриёт бўлими, 2018й.-116бет.

ISSN 2181-7200

Газодинамика принципини қишлоқ хўжалиги технологияларига тадбиқи номли монография қишлоқ хўжалигидаги ўсимлик уруғларига экишдан олдин ишлов бериш; тупроқда ҳосил бўладиган қатқалокларни юмшатиш; пахта териш; тупроқнинг зич қатламларида цилиндрсимон кудуқчалар ковлаш; пилла қуртини жонсизлантиришга тадбиқ қилиш ишларига қаратилган.

ISSN 2181-7200

УДК: 621.565:621.59

© ФАРПИ «ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ» нашриёт бўлими, 2018й

АННОТАЦИЯ

Оддий ёнилғи (бензин, газ) билан ҳаво аралашмасининг махсус яратилган генераторда ёниши (портлаши) натижасида қуйидаги параметрли импульс кучлари ҳосил бўлади: детонацион зарбли тўлқин – 35 атм; аралашма ёнишидан ҳосил бўлган махсулотнинг оқиш тезлиги – 800 м/с; детонация тўлқинининг қувирда ҳаракатланиш тезлиги – 1500-1800 м/с.

Юқоридаги параметрларга эга бўлган газодинамик импульс кучлари бирон – бир юзага йўналтирилганда унга кескин, қисқа кучли зарб сифатида таъсир кўрсатади.

Ушбу рисолада генераторда аралашманинг ёниши (портлаши) натижасида ҳосил бўлган детонацион зарбли тўлқинни “инструмент” сифатида: ўсимлик уруғига экишдан олдин ишлов бериш; тупроқда ҳосил бўладиган қатқалоқни юмшатиш; пахта ҳосилини териш; зич қатламли ерларда қудуқчалар қовлаш; пилла қуртини жонсизлантиришга тадбиқ қилиш имкониятлари баён қилинган.

КИРИШ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида замонавий техника ва агротехнологияларни кенг жорий этиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳосилдорликни ошириш ва ернинг унумдорлигини мунтазам яхшилаб бориш, етиштирилган ҳосилни муваффақиятли йиғиб олиш, қўёшли кунларнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиш эса ғалла экиш, кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида бошлаш ҳамда келгуси йил ҳосилининг мўл бўлишига замин яратади. Агротехнология ишларини амалга ошириш учун замон талабига жавоб бера оладиган техника ва қурилмалар бўлиши лозим. Шундай янги техника яратилган бўлиб, агротехнологиялардан бири бўлган тупроқда ҳосил бўладиган қатқалоқни юмшатиш учун ишлатилган ва яхши натижа берган эди.

Бу усулнинг хусусияти шундан иборатки, ҳаво ва ёнилғи аралашмасининг махсус яратилган генераторда портлатилиши натижасида ҳосил бўладиган зарбли импульс кучига эга бўлган жуда катта босимли тўлқин қатқалоқга механик инструмент тариқасида тегмасдан, унга сиқилган ҳаво тўзлқини сифатида перпендикуляр таъсир этганлиги туфайли ён томонга силжитиш кучланишини ҳосил қилмаган ҳолда юмшатади. Натижада ён томонга силжитиш кучланишини худди қўлда юмшатиладигандек бўлади. У ҳолда уруғ ҳам жароҳат олмайди, эндигина ўсиб чиққан ниҳол ҳам шикастланмайди.

Ушбу хусусиятли усулнинг кўламини кенгайтирган ҳолда қишлоқ хўжалигининг яна бошқа сохаларига ҳам тадбиқ қилинди: ўсимлик уруғларига ишлов бериб экишга пахтани теришга; суғорилиб келинаётган ер майдонларидаги зичлашиб кетган оҳак-арзик тупроқ қатламида юмшатиш учун қудуқчалар кавлашга; пилла ичидаги ипак қуртини жонсизлантиришга.

Пахта теришнинг механизациялашган принципида механик инструмент пахта толасига тўқнашиб, илаштириб чаноқларидан олиб, сўнг ҳаракатдаги ҳаво ёрдамида машина бункерига ташлайди.

Янги усулда эса портлаш орқали газодинамик детонацион зарбли тўлқин кучи таъсирида пахта чаноғидаги толалар ажратилиб машина бункерига ташланади.

Газодинамик зарбли тўлқинлар таъсирида зич қатламларда цилиндрсимон тешиқлар (қудуқчалар) ковлаш жараёни қуйидагилардан иборат. Зарб тўлқинли детонацион қувур очиқ томони билан зич қатламга вертикал ҳолда йўналтирилади ва цилиндрсимон қудуқчалар ковлайди.

Тадқиқот бўйича қудуқчалар ковлаш тезлиги – 1,5 м/минутга тенг.

Пилла ичидаги ипак қуртини жонсизлантириш учун детонацион генератор орқали частотаси 1÷20 Гц ва тезлиги 1500÷1800 м/с бўлган зарб тўлқинли акустик майдон муҳитини яратилиб, манбадан 0,5÷0,7 метр масофада ипак қурти пилласини жойлаштириб, 1÷3 минут мунтазам ишлов берилиб пиллалар ичидаги қуртларни жонсизлантиришга эришилди.

Детонацион генераторда шаклланган тўлқин у ердан чиқиш баробарида зарбли тўлқинга айланган ҳолда ажралиб ҳавода ҳаракатланиб кетади ва ёнишдан ҳосил бўлган маҳсулот эса уни орқасидан ҳаракатни давом эттиради. Зарбли тўлқин ўз навбатида пилла ичига кириб, у ердаги қуртни жонсизлантиради.

1. ГАЗОДИНАМИКА ПРИНЦИПИНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА ҚЎЛЛАШ

1.1. Қишлоқ хўжалик технологияларидаги долзарб муаммолар.

Пахта етиштиришда машаққатли ва масъулиятли технологик операциялардан энг асосийлари бу дала майдонларини хайдаш орқали юмшатиш, чигит экилгандан сўнг бахорги шиддатли ёмғирлар натижасида тупроқ юзасида хосил бўладиган қатқалоқни юмшатиш, хайдов ости таббий арзик (гипснинг қалин қавати) қатламини юмшатиш ва етилган пахта хосилини териб олишлардан иборат. Ушбу агротехнологияларни амалга оширадиган техникаларнинг барчаси механик принципга асосланган бўлиб, hozirgi пайтда бундан юқори самарадорликга эга бўлган, уни ўрнини босадиган ёки алмаштира оладиган бошқа принципда ишлайдиган техника мавжуд эмас.

Лекин айтиш керакки механик принципдан бошқа принципда ишлай оладиган техникалар устида илмий ишлар олиб бориб уларни янги нусхаларини яратилишига ҳеч ким эътироз билдирмаса керак. Таклиф қилинаётган бошқа принципда ишлайдиган техника тупроқда ҳосил бўладиган қатқалоқни юмшатиш технологиясида қўлланилган ва яхши натижа берган эди.

Бу усулнинг хусусияти шундан иборатки, қатқалоққа газодинамик импульс кучи объектга тегмаган холда таъсир этади. Импульс кучи қатқалоққа тўғри нормал таъсир этиб, кўндаланг яъни силжитиш кучланишининг хосил қилмаган эди. Силжитиш кучланишини хосил бўлмаганлиги қатқалоқни худди қўлда юмшатгандек бўлади. У холда уруғ (чигит) ҳам жароҳат олмаган, эндигина ўсиб чиққан ниҳол ҳам шикастланмаган эди.

Янги газодинамик усул газ аралашмасининг махсус яратилган генераторда портлаши натижасида ҳосил бўлган зарбли тўлқин билан таъсир этиш технологияси кўламини янада кенгайтиш орқали қишлоқ хўжалигининг бошқа технологик сохаларига кўллаш: ўсимлик уруғига олдиндан газодинамик ишлов бериб экишга; пахта териш машинасига; суғорилиб келаётган ер майдонларидаги зичлашиб кетган охак-арзик тупроқ қатламларида қудуқчалар қовлашга; пилла ичидаги ипак қуртини жонсизлантиришга.

Портлаш энергиясини қишлоқ хўжалигида ишлатилиши анчагина кам учрайдиган ҳолатдир. Биринчидан: портлаш етарли даражада вайрон қилиш қувватига эга. Лекин уни жиловлаш оддий иш эмас. Иккинчидан, портлаш жараёни мураккаб ҳолат бўлиб, уни англаш фанда анчагина қийинчиликларга олиб келади ва фақатгина кейинги 35 йилликда портлаш жараёнлари назарияси юзага келади. Биз, ушбу рисолада бу мураккаб физик ҳолатни тўла баён қилишни мақсад қилганимиз йўқ, қолаверса қисқа ва содда шаклда амалга ошириш мумкин эмас, лекин газли аралашмаларнинг портлаши ҳақида қисқача тушунча беришга ҳаракат қиламиз. Бизнинг мақсадимиз бу маълумотлар орқали ўқувчини портлаш деб аталувчи сўз олдидаги анъанавий кўрқув ва хавфсирашни йўқотиш ва уни одатдаги тинчлик техникасида ишлатилиши мумкин бўлган, ҳақиқатда эса ажойиб ходиса эканлигига ўқувчини ишонтиришдир.

1.2. Ҳаво – ёнилғи аралашмасининг қувурларда портлаш жараёнини физик таснифининг қисқача баёни *Портлаш – ёнишнинг бир тури эканлигидан бошлаймиз.*

Турли ёнилғи аралашмаларнинг ёниши (ёнилғи+кислород ёки оксидланиш) ҳозирги вақтда энергия олишнинг асосий

манбайи ҳисобланади. Иссиқлик электростанциялари, иситиш мажмуаси, автомобиллар, темир йўл локомотивлари, кемалар, самолётлар, ракеталар, технологик қурилмалар ва ҳоказолар – ҳаммасининг асосида углеродларнинг ёки углеродли ёнилғиларнинг оксидловчи муҳитда, асосан кислородда ёниши ётади. Ҳамма жойга кириб бораётган ушбу жараёни инкор қиладиган ёки бошқаси билан алмаштирадиган замонавий жамиятни тасаввур қилиш қийин. Ҳақиқатда, инсоният доимо ва матонат билан ўзини энергия билан таъминлашни бошқа йўллари ахтармоқда ва бу борада айрим муваффақиятларга эришмоқда. Мисол учун: қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш (ҳозирда қуёш батареяси билан ишлайдиган автомобилларнинг энг яхши конструкциясини яратиш бўйича мусобақа кетмоқда), сув энергиясидан ва ниҳоят атом энергиясидан фойдаланиш. Бироқ, яқин орада энергия билан таъминлаш учун ёнилғини ёқишдан бошқа арзон ва кам сарф бўладиган жараёнга умид боғлаш мумкин эмас. Қолаверса, бундай ютуқларни мисол учун ядро энергиясидан муваффақиятли фойдаланилапти дейишга ҳали эрта. Эндиликда бундай ҳадиксирашнинг сабаби ҳаммага маълум.

Нима учун биз ёнилғини кислород билан ёнишига нисбатан “исрофгарчилик” деган сўзни қўлладик? Ўзингиз ўйлаб кўринг: одам ёғочни, тошкўмирни, торфни нефть ва уни ҳайдашдан ҳосил бўлган (бензин, дизель ёнилғиси, керосин), табиий газни ёқади. Табиатда миллиардлаб йиллар давомида йиғилган ва йиғилаётган табиий бойликлар техника тараққиёти ўтхоналарида ёқилмоқда. Бундан ташқари қадр қимматини биз энди тушунаётган ҳаводаги кислород ҳам қайта тиклаб бўлмайдиган даражада ёқилмоқда. Фақатгина ер юзасини қоплаб турган ўсимлик дунёси бу кислород ўрнини зўрға-зўрға қопламоқда.

Нима қилиш керак, балки ёнилғининг узок муддатга етиши учун ундан фойдаланишни камайтириш керакдир. Бунинг иложи, чамаси бошқача. Биринчидан, ҳаводаги кислород истеъмол қилиш миқдорини ўсимликларнинг кислород чиқариш миқдори билан мувофиқлаштириш керак. Буни инсон фаолиятида ер юзидаги ўрмонларни сақлаш ва кўпайтириш билан амалга ошиши мумкин. Иккинчидан инсон атроф-муҳитдан водород олишнинг осон йўлини топиши ва уни ҳозирда фойдаланилаётган нефт, газ, ёғоч ва ҳоказолар ўрнида ишлатишни ўрганиб олиш керак. Айниқса водород кислородда ёнганда керакли даражада иссиқлик чиқарибгина қолмайди, балки атроф-муҳитни ҳам ифлослантормайди, чунки бу ёнишнинг махсулоти – тоза сув. Ўрни келганда айтиш керакки, бу боради баъзи бир муваффақиятларга эришилди: Танқис ҳисобланган керосин ўрнига водород ёнилғиси билан ишлайдиган реактив йўловчилар ташувчи самолётнинг дастлабки намоишли учиши бўлиб ўтди. Таъкидлаш керакки, сув таркибидаги водород манбаи ер юзаси амалда тугамайдигандекдир, шу билан бирга водород ёнгандан сўнг табиатга яна сув сифатида қайтади. Албатта водород ёнилғисига ўтиш осон иш эмас, лекин у бошланган, уни алмаштира оладиган истиқболли ёнилғи йўқ.

Нима учун биз энергия олишда ёнилғи ёнишидан юзага келадиган экологик муаммолар тўғрисида бу даражада мукамал тўхталмоқдамиз? Чунки бундан буён бу китобчада янгилик ҳақида, қайсики яна ўша ер шари учун қимматли бўлган ёнилғи манбаларини ёқиб инсон меҳнатини енгиллаштириш ҳақида гап боради. Ҳаммадан олдин биз, қилган янгилигимиз техника тараққиёти ривожига мантиқан, мувофиқ ва эрамизни шундай ҳам тўлиб-тошган сабр-қосасига яна бир томчи ёмонлик кўшилмаганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, буни ҳаётга тадбиқ қилишга қарор қилдик.

Энди ёниш жараёнини ўзига ва у қуйида келтирилган машинада қандай фойдаланишига қайтамиз.

Энг кенг тарқалган ёниш асосида “меъёрида ёниш” деб аталувчи ёниш ётади. Унинг физик маъноси шундан иборатки, иссиқликнинг бир қисми нур энергияси сифатида ёнилғи ва оксидловчи аралашмасининг совуқ қисмига юборилади. Аралашма қизий бошлайди ва қанчалик ёниш зонасига яқин бўлса, у шунчалик кучли қизийди. Ва ниҳоят, у ёнади. Аралашманинг ёниб бўлган қисми ўрнига янги аралашма келади ва бу жараён тўхтовсиз давом этади. Шундай қилиб одатдаги ёниш амалга ошади, худди газли пайвандлаш, уйдаги газ плитасидаги ёниш ва бошқа кўп ҳоллардаги каби. Баъзи ҳолларда ёнувчи аралашмани ёниш зонасига узатмасдан, уни ёниш зонасига ёнувчи аралашма билан тўлиқ бўлган бўшлиқ орқали юбориш қулайроқ бўлади. Аммо асосий механизм – ёнувчи аралашманинг ёниш зонасидаги иссиқлик орқали қизиш механизми сақланиб қолади. Бундай ёнишга мисол қилиб, ички ёнув двигателларида бензин-хаво аралашмасининг поршень устидаги бўшлиқда ёнишини мисол қилиб келтириш мумкин, қайсики свечадан чиқадиган электр заряди учқунидан ҳосил бўладиган аланга бутун аралашма бўйлаб тарқалади.

Ёнишдан иссиқлик энергияси олинадиган техник қурилмаларда (кўпинча) сунъий равишда ёниш зонасидаги иссиқлик оқими янги келаётган ёнилғи аралашмасини қизитишга юборилади. Қизишнинг кўпайиши вақт бирлиги ичида ёнаётган ёнилғи миқдорини кўпайтиради. Бу одатда ёниш зонасидаги иссиқ маҳсулотининг ёниш зонасига келаётган янги аралашма билан аралашувидан ҳосил бўлади (бу ходиса турбулизация дейилади). Печкага ўт ёқаётган ўт ёқувчи ҳам ёнаётган кўмирни аралаштирганда, авиадвигатель ёниш камерасини лойихалаётган конструктор ёниш зонасига янги аралашма оқими катта тезликда

пуркайдиган қилиб лойиҳалаганда ҳам худди шундай ҳодисадан фойдаланилади. Аммо, бундай кўп миқдордаги аралашма ёнадиган «печка»ларни лойиҳалаш осон иш эмас. Шунинг учун ҳам иссиқлик станциялари қозонларини, ички ёнув двигателларини, ракета двигателлари ва ҳоказоларнинг юқоридагидек “печка”ларини лойиҳалайдиган бутун бошлик фан мавжуд. Лекин бу фанда инсон эришган муваффақиятлар унчалик катта эмас. Бунинг сабабларидан бири, углеводородли ёнилғининг (бензин, табиий газ...) ҳаво аралашмаси билан ёниш тезлиги секундига бир неча метр га етади. Сунъий турбулизация ҳисобига бу тезликни бир неча ўн баробар ошириш мумкин, лекин бу иссиқлик машиналари конструкторларини қаноатлантирмайди.

Меъёридаги (ёки турбулент) ёниш механизмининг яна бир катта камчилиги бор. Бу ҳам бўлса, очик бўшлиқда ёниши натижасида катта босим ҳосил қилиб бўлмайди. Атмосфера босимга нисбатан катта босим олиш учун ёниш амалга ошаётган жойда берк (ички ёнув двигателлари каби) ёки ярим берк (ёниш зонасини бир томонлама беркитиш, худди ракета ва реактив двигателлари каби) бўшлиқ ҳосил қилиш керак. Бу конструкция ўлчамлари ва массасини кўпайтиришга олиб келувчи бир қанча ноқулайликларни юзага келтиради.

Лекин, табиатда ёнишнинг детонация ёки портлаш деб аталувчи бошқа тури ҳам мавжуд. [1.2].

Ички ёнув двигателларида, ракета ва реактив двигателларида, турмушда (табиий газ), иссиқлик станцияларида ёнувчи аралашма портлаш тартибида ёниши мумкин. Биз бундай жараённи кўплаб учратамиз. Мисол учун, автомобиль двигателларидаги детонация поршенларнинг «таққиллаши» ҳам дейилади ёки турмушда ишлатиладиган газнинг уй ичида ёки очик ҳавода портлаши. Ва шунинг учун портлаш тушунчаси кўпинча ёмон оқибатларга олиб келувчи кўнгилсиз воқеалар билан

боғлиқ бўлади. Шунинг учун бўлса керак, инсон техникада портлашдан фойдаланишни самарали йўлларида дадил изламаяпти.


Ёнилғи ҳаво аралашмасини бир томони бутунлай берк бир томони бутунлай очик бўлган қувурдаги портлашишини кўриб ўтамиз.[3-8].

1.1-расмда ушбу портлашнинг турли босқичлари кўрсатилган.

Қувур, бензин ҳаво аралашмаси билан тўлдирилган деб фараз қиламиз (1.1а-расм). Бензин ва ҳавонинг нисбати шундайки, ҳаво таркибидаги кислород миқдори бензинни оксидлашга етади, ёки бу стехиометрик нисбат дейилади. Ички ёнув двигателининг оддий карбюратори шундай ёки бундан жуда оз фарқ қиладиган нисбатда ишлайди. Аралашманинг босими (P) атмосфера босими (P_0) га тенг ҳароратни (t) $t=20^\circ\text{C}$ деб қабул қиламиз, аралашма эса тинч ҳолатда (унинг тезлиги « U » нолга тенг). Бу ўлчамлар чизмада ўз ифодасини топган.

Фараз қиламиз, қувурни берк томонида етарли даражада тезликда кучли электр учқуни ёрдамида аралашмани ёндирдик. Учқуннинг қувватини шундай танлаш мумкинки, ёниш бирданига портлаш билан бўлсин, детонация 1.1б-расмда қувурда портлаш билан бўлган ёнишнинг қувурнинг берк томонидан l масофада тарқалгандаги газ ҳолатининг ўлчамлари кўрсатилган. Қувурнинг ҳали ёниш етиб бормаган қисмида (1.1б-расмнинг $L-l$ қисми) босим P_0 , ҳарорат t ва аралашманинг ҳаракат тезлиги U (худди 1.1а-расмдагидек) бошланғич қимматларга эга. Қувурнинг бу қисмида ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Қувур кўндаланг кесимининг берк томонида l масофада бир неча мм ли аралашма $P_{yв}=35\text{атм}$ бўлган зонада жуда юпқа - бир неча мм ли зарбли тўлқин ҳосил бўлади. Бундай сиқиш натижасида аралашма тахминан $t=1500^\circ\text{C}$ гача қизийди. Табиийки бундай ҳароратда

аралашма алангаланади ва қисқа вақт ичида тўла ёниб бўлади, бунда ёниш махсулотларининг ҳарорати $t=2000^{\circ}\text{C}$, босим эса $P=17$ атмга тенг бўлади. «ЧЖ» белгиси аралашма ёнишини тугайдиган алоҳида зонани билдиради.



1.1-расм. Қувурдаги ёниш жараёни босқичлари

У детонацион ёнишни ўрганган олимлар Чемпен ва Жуге номларининг бош ҳарфидан олинган.

Зарбли тўлқин қувурнинг берк томонида янги аралашма сингари тинч ҳолатда турмасдан қувурнинг очик томонига $U=800$ м/с тезлик билан ҳаракат қилади.

Қувурнинг $l/2$ дан то l гача бўлган қисмида P , t , U ларда худди биринчи расмда кўрсатилгандек ўзгариш юз беради. Қувурнинг бек томонидан $l/2$ масофадаги кўндаланг кесимида тинч зона деб аталувчи зона ҳосил бўлади. Бу ерда ёнишдан ҳосил бўлган маҳсулотларнинг тезлиги 0 га, босими $P=7$ атмга, ҳарорат эса $t_{чж}$ дан озгина кам ва $t_n=1900^\circ\text{C}$ га тенг бўлади.

Зарбли тўлқин қувурни берк томонига $D=1800$ м/с тезлик билан ҳаракат қилади. Бу тезлик назарияда детонацион тезлик деб аталади ва D харфи билан белгиланади. Зарбли тўлқин қувурни очик жойига етиб борганда, қувурдаги ҳамма аралашмани ёндиради ва қувурда 1 в расмда тасвирланган ўлчамлар ўрнатилади, аниқроғи $L/2$ узунликдаги босим P_n — 7 атм ва бу очик юзага келганда 17 атм гача кўтарилади; ёниш маҳсулотларининг тезлиги $L/2 \div L$ масофада 800 м/с гача, ҳарорат $t_n=1900^\circ\text{C}$ гача юпқа зонада эса сиқиш $P_{ув}=35$ атмгача боради. Ҳамма аралашманинг ёниб бўлишига кетган вақт L/D га тенг. (Агар қувур узунлиги 1 метр бўлса, вақт $1/1800$ с, агар 3 метр бўлса, вақт $3/1800=1/600$ с). Худди кўриб ўтганимиздек ёниш оний вақтда бўлади ва қувурда анчагина потенциал (ёниш маҳсулотининг босими), кинетик (ёниш маҳсулотларининг 800 м/сек тезликдаги ҳаракати) ва иссиқлик (иссиқ ёниш маҳсулоти) ҳосил бўлади. Ишонч ҳосил қиламизки, бу портлашда ҳеч қандай вайрон қилувчи куч ҳосил бўлмайди ва бу ҳосил бўлган босимга одатдаги водопровод қувури чидаши мумкин. Агар биз олдинмакетин ҳосил бўладиган ана шундай портлашларни ҳосил

қила билсак, худди ички ёнув двигатели сингари узок вақт ишлайдиган портлаш туридаги генератор энергиясини оламиз. Ҳар бир портлашдаги энергия кучи, қувурдаги аралашма миқдори билан бошқарилади. Бундай портлаш қувурларини энергия манбаи сифатида янада яхшироқ тасаввур қилиш учун уларни ички ёнув двигателлари билан солиштирамиз ЗИЛ-131 автомобилнинг двигатели бензин ҳаво аралашмаси билан тўлдирувчи цилиндрнинг ҳажми 6 литрга тенг. 8 цилиндрли 4 тактли двигатель минутига 1800 марта айланганда (30 айл/с), секундига $6 \times 15 = 90$ литр аралашма сарф қилади. Худди шу миқдордаги аралашмани, диаметри 25 мм бўлган, ишлаш частотаси секундига 10 марта бўлган 9 дона портловчи қувурда ёқиш мумкин. Бир ҳил миқдордаги аралашмадан олинаётган энергия миқдори агар ёниш тўлиқ бўлса, ҳар икки ҳолатда ҳам бир ҳил бўлади. Шундай қилиб ЗИЛ-131 автомобилнинг 8 цилиндрли двигатели ва диаметри 25 мм, узунлиги 1 метр ва ишлаш частотаси секундига 10 марта бўлган 9 дона портлаш қувури бир ҳил миқдорда энергия ажратиб чиқаради, образли қилиб айтганда ўлчамлари унча катта бўлмаган портловчи қувурда, ЗИЛ-131 автомобили двигатели энергиясининг бир қисми потенциал (босим), кинетик (оқим ҳаракати) ва иссиқлик харорат энергиясини беради. Албатта уни турли ишларни амалга оширишда ишлатиш мумкин. Бундан буён бу китобчада шу ҳақда гап боради.

2. ТУПРОҚДАГИ ҚАТҚАЛОҚНИ ЙЎҚОТИШНИНГ АМАЛДАГИ УСУЛЛАРИ ВА МОСЛАМАЛАРИ

2.1. Қатқолоқни йўқотиш усуллари

Тупроқдаги қатқалоқни юмшатиш асосан икки ҳил усулда олиб борилади: Қўлда ва механизмлар ёрдамида;

Қатқалоқни қўл билан юмшатишда кетмон ва хаткашлардан фойдаланилади, шунингдек қатқалоқнинг қалинлигига қараб бошқа қуроллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Қатқалоқни қўл билан юмшатиш қаттиқ меҳнат талаб қиладиган ва оғир шароитларда олиб бориладиган ишдир. Илгари таъкидланганидек қатқалоқни тезда 3-4 кунлик муддат ичида юмшатиш керак. Лекин кўп микдордаги одамларни бу ишга жалб қилиб, уларни иш кунини узайтириб ишлагани билан қатқалоқни ўз вақтида юмшатишга эришиб бўлмайди, бу эса гўзанинг униб чиқишига ва ҳосилдорлигига қаттиқ таъсир кўрсатади.

Қатқалоқни юмшатишни механизациялашган усули тишли бороналар ёрдамида борона қилиш, шунингдек тишли юмшатгичлар ёрдамида олиб борилади.

Тиркаб ишлатиладиган «Зиг-заг» борона пахтачиликда энг кўп ишлатиладиган бороналардан хисобланади. [11].

Тишли бороналар эрта баҳорги ва экишдан олдинги бороналашда ернинг юзасидаги кесакларни майдалашга ва қисман бегона ўтларни йўқотишга мўлжалланган. Ҳозирги кунда Республикамизда БЗСС-1,0, БЗТС-1,0 ва БЗТХ-1,0 тишли бороналар қўлланилади (2.1-жадвал).

2.1-жадвалда келтирилган бороналар ёрдамида қатқалоқни ўсимлик униб чиққунга қадар юмшатиш мумкин.

Тишли бороналар ёрдамида қатқалоқ юмшатишганда юмшатиш жараёнини қатқалоқни қалинлигига қараб ўзгартириб бўлмайди. Бундан ташқари ўсимлик

зарарланади, униб чиқмаган уруғлар ер юзига чиқади ва натижада сифатсиз ишлов берилади.

Айланувчи мотиганинг асосий ишчи қисми - бу айланувчи ўққа эркин ўрнатилган айланувчи игнали юлдузчадир. Иш вақтида юлдузчалар ер юзаси бўйлаб айланади ва ўз игналари билан тупроқдаги қатқалокда кўп сонли тешиклар ҳосил қилади.

Тишли бороналарнинг асосий таснифлари

2.1-жадвал

Кўрсаткичлар	Борона турлари		
	БЗСС-1,0	БЗТС-1,0	БЗТХ-1,0
Ташқи ўлчамлари, мм:			
узунлиги	1352	1352	1352
эни	970	970	970
баландлиги	220	220	220
Боронанинг массаси, кг	36,7	43,2	44,6
Ҳар бир тишга тўғри келадиган солиштирма босим, кг	1,83	2,16	2,23
Тишнинг ўлчамлари, мм			
кўндаланг кесимининг шакли	квдрат (16×16)	квдрат (16×16)	квдрат (16×16)
узунлиги	160	160	160
Иккита ёндош тиш орасидаги масофа, мм	50	50	50
1 соатдаги иш унуми, га/соат	0,8-1,2	0,8-1,2	0,8-1,2

Айланувчи мотига билан ғўза қатор ораларидаги қаталокни ғўза униб чиққандан сўнг юмшатилади.

Айланувчи мотиганинг камчилиги шундаки, айланувчи ўқ билан юлдузча орасига тупроқ заррачалари тушиб қолиб юлдузчаларни айланишига тўсқинлик қилади бу эса юлдузчаларга бегона ўтларни илашиб қолиб жўяклар ҳосил бўлишига ва ғўзани қисман нобуд бўлишига олиб келади.

Бундан ташқари юлдузча айланаётган вақтда ҳали униб чиқмаган чигитларни қўпориб ташлаши мумкин.

2.2. Қатқалоқнинг пайдо бўлиш механизми.

Қатқалоқ пайдо бўлиш механизмини ёзишдан олдин, тупроқнинг ўзи қандай ва нимадан ташкил топганини баён қиламиз.

Тупроқнинг ташкил бўлиши муракаб ва узоқ давом этувчи жараён бўлиб, асосан тоғ жинсларини кимёвий ва физикавий емирилиш ва емирилиш маҳсулотларининг органик ва органоминерал қўшилишидан иборат.

Қуёш, шамол, сув таъсири остида қаттиқ тоғ жинслари майда заррачаларга (қум, чанг) бўлинади ва ҳозирда ҳам бўлинмоқда. Бу заррачалар аста-секин ер юзини қоплайди. Уларнинг химиявий таркиби кремний ва унинг турли бирикмаларидан ташкил топган. Буларга турли сувда эрийдиган минерал моддалар, мисол учун туз қўшилади. Заррачалардаги тирик организмлар (асосан бактериялар) фаолияти натижасида ер қатламида органик моддалар (углерод, водород, кислород бирикмалари), шунингдек атмосферадан бактериялар олган, таркибида азот бўлган минерал моддалар йиғилади. Натижада тупроқда унумдор қатлам ҳосил бўлади, қайсики бу қатламда ўсимлик яшаши ва ўсиши мумкин. Шундай қилиб тупроқнинг асосий компонентлари:

Бу заррачаларнинг ўлчамлари миллиметрнинг ўндан биридан то миллиметргача ёки хатто бир неча миллиметр бўлиши мумкин.


1-сувда эримайдиган тоғ жинслари.

2-сувда эрувчи минерал моддалар қаттиқ заррача ёки эритма холида бўлади.

3-майда заррача ҳолатидаги органик моддалар, аморф масса, бир-бирига ёпишган ўлчами анча катта, яъни мил-

лиметрнинг ўндан бирига тенг бўлган агломерант (зичлашган каллоид).

4-қаттиқ заррачалар орасидаги ёки бирлашган деб аталувчи сув.



2.1-расм. Тупроқ структураси.

**1-кессаклар (жуда майда ва қаттиқ заррачалардан иборат),
2-зичланган каллоидлар, 3-анча катта қаттиқ заррачалар (қум
доналари), 4-қисман газ ва қисман сув билан тўлган
бўшлиқлар.**

Тупроқ таркибидаги қаттиқ жисмларнинг ўлчамлари, минерал ва органик моддаларнинг таркибига қараб бир неча турга бўлинади. Пахтачилик турли хил тупроқли ерларда ривожланади.

Бу тупроқларнинг муҳим томони улар таркибида жуда майда зарчалар борлигидир. Бу ҳолат тупроқнинг қатқалоққа моил эканлигини билдиради.

Тупроқда қатқалоқ ҳосил бўлишини механизми қандай?

2.1-расмда таркибида лой бўлган тупроқнинг қатқалоқ ҳосил бўлгунча бўлган расми чизилган [9]

Суғоришдан ёки қаттиқ ёмғирдан кейин бўшлиқлардаги газ ўрни сув билан тўлади. Сувнинг зудлик билан парланиши натижасида (куёш ва иссик ҳаво таъсирида) сув бўшлиқдан атмосферага ўтади. Натижада бўшлиқда босим пасаяди, ҳавосизланиш юзага келади. Атмосферадаги ҳаво босими сувдан бўшаган бўшлиқни босади ва тупроқ зичлашади. Тупроқда шундай зич ва қаттиқ қатлам, яъни қатқалоқ ҳосил бўлади.

2.3. Пахта экадиган жойларда тупроқда бўладиган қатқалоқнинг баъзи таснифномалари.

Фарғона вилоятининг майдони 7, 1 минг квадрат километрни ташкил қилади.

Вилоятда бўз тупроқлар ва сизот сувлари яқин бўлган минтақадаги бўз тупроқлар кенг тарқалган. Бўз тупроқли минтақалар Фарғона, Қува туманлари Риштон туманлари жанубий қисми Олтиариқ, Учкўприк, Ўзбекистон, Бешариқ туманлари томони иккита қисмга бўлинади.

Вилоятнинг шарқий қисмидаги.

а) ўтлоқи ва бўз-ўтлоқи соз ва лой, шўрланмаган ва кам шўрланган, бўз тупроқ минтақасидаги суғориладиган ерлар (Қува, Фарғона туманлари ва Қувасой шаҳри);

б) кучсиз хайдов қатламли, турли чуқурликларда кучли шағалли (Олтиариқ, Риштон, Ўзбекистон) вилоятнинг кўпгина адиролди зонасидаги оч тусли, бўз шағалли туманлари.

Бўз тупроқли зонанинг тупроқлари гумус, азот, фосфорнинг камлиги мустаҳкам бўлмаган кесакли тузилиши ва органик заррачаларни шиддатли минералланиши билан таснифланади. Бу тупроқларнинг сувга бўлган мустаҳкамлиги ва структураси паст. Бу тупроқлар суғоришдан ва ёмғирдан кейин қатқалоқ ҳосил бўлишига имкон яратади. Қатқалоқнинг қувват ва

мустахамлиги оғир механик таркибли-оғир қумоқ соз тупроқларда ошади.

Шўр ва шўрланиш ҳам тупроқда қатқалоқ ҳосил бўлишига имкон яратади. Мисол учун, қуруқ ва енгил соз тупроқли оч тусли бўз тупроқларда қатқалоқ қалинлиги 0,3-0,5 см, оч тусли, типик тупроқларда 0,8+1,5 см, кам шўрланган тақир тупроқларда, механик состави соз ва лой тупроқдан иборат тупроқларда эса 2,5-4,5 см га тенг.

Тошкент хавзасидаги асосий тупроқ турларида қатқалоқнинг ҳосил бўлиши 2.2-жадвалда келтирилган. [10]

Тошкент хавзасидаги асосий тупроқ турларида қатқалоқ ҳосил бўлишини ўрганиш натижалари

2.2-жадвал

Горизонт чуқурлиги см.	Тупроқнинг хайдов катламидаги агрегатлари		Қатқалоқнинг агрегатлари		Қатқалоқ ўлчамлари (параметрлари)	
	Механик мустах камлиги	Сувга мустахкам лиги	Механик мустах камлиги	Сувга мустахкам лиги	Қалин лиги см.	Ўриқ кенглиги см
1	2	3	4	5	6	7
1-қирқим.						
Эскидан суғорилаётган ўтлоқи оғир қумоқ тупроқлар						
0-42	366,5	7,2	373,2	3,8	3,5	2,5-3,0
Эскидан суғорилаётган ўтлоқи-ботқоқ оғир қумоқ						
0-34	383,2	7,5	385,1	3,2	3,5	2,0-2,5
Эскидан суғорилаётган бўз ўтлоқи оғир қумлоқ тупроқ						
0-41	379,3	6,7	376,4	3,2	3,5-4,0	2,5-3,0
Қуриқ типик бўз оғир қумоқ тупроқ						
0-3	179,9	14,3	230,7	7,5	1,0-1,5	0,5-1,0
3-7	115,3	14,4				
7-21	157,1	13,1				
Янги ўзлаштирилган типик бўз оғир қумоқ тупроқ						

0-37	302,2	4,8	291,8	2,8	3,0-3,5	1,5-2,0
0-35	265,1	4,5	269,2	2,6	3,0-3,5	1,5-2,0
0-37	292,4	5,1	279,6	2,6	2,5-3,0	1,5-2,0
Эскидан суғориладиган бўз оғир кумоқ тупроқ						
0-40	226,5	6,2	235,4	3,0	3,0-3,5	2,0-2,5
Эскидан суғориладиган бўз ўртача кумоқ тупроқ						
0-37	232,6	6,4	243,1	3,1	2,5-3,0	1,5-2,0

1-жадвалда келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, тупроқнинг турига қараб қатқалоқ қалинлиги 1,0 дан 4 см гача, ёриқларнинг кенглиги эса 0,5 дан 3 см гача бўлар экан.

Биз тупроқда ҳосил бўладиган қатқалоқ таснифини Ўзбекистоннинг иккита вилояти учунгина келтирдик, бошқа пахта экадиган зоналарда ҳам худди шундай таснифларга эга.

Тупроқдаги қатқалоқни юмшатиш муддатларининг пахта ҳосилдорлигига таъсири

2.3-жадвал

Тажриба варианты	Гуллаш даври		Ҳосил йиғиш даври			Ҳосил дорлик %
	Поя баландлиги см.	Симпонал шоҳлар сони дона	Поя баландлиги см.	Симпонал шоҳлар сони дона	Кураклар сони дона	
1. Қатқалоқни юмшатиш ўз вақтида ўтказилган	30,2	6,4	97,0	13,2	8,0	100,0
2. Қатқалоқни юмшатиш 3 кунга кечиктирилган	25,5	4,5	91,3	12,3	4,7	90,0
3. Қатқалоқни юмшатиш 6 кунга кечиктирилган	23,5	3,7	87,7	11,5	3,8	73,8

Агарда ўсимлик қатқалок остида узок вақт туриб колса, уларнинг пояси барглар остида қолиб ўлади, чунки барглар пастга қараб ўсади. Қатқалокнинг пайдо бўлиш муддати жуда қисқа, шунинг учун ҳам уни юмшатишга катта куч сарф қилинади.


Агар ғўза қатқалокда ўсадиган бўлса, у қандайдир «жароҳат» олади ва бунинг натижасида меъёридаги ўсишдан 15-20 кун орқада қолади ва ҳосилдорлик камаяди.

3. ГДРП-3 ОСМА ЖИҲОЗИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА АМЛДА ИШЛАТИШ НАТИЖАЛАРИ

3.1 ГДРП-3 осма жиҳозининг тузилмаси.

Қатқалокни юшматишни янги механизациялашган усули, китобчани бошланишида ёзилгандек, ёнилғи ҳаво аралашмасини қувурлардаги детонациясига асосланган. Портлаш кучини, ҳар бир портлаш бўйича ва уларни частотаси бўйича созлаш мумкин. Ишлаб чиқарилган портлашни ташкилловчи генераторлар секундига 20 тагача майда портлашлар ҳосил қила олади. [12]

Тупроқдаги қатқалок генераторидан чиқаётган тўлқин зарбси орқали юмшатилади. Бунинг учун генераторнинг ёниш зонаси шундай жойланиши керакки, қувурнинг очик томони ер юзасидан маълум бир баландликда жойлашиши керак. (3.1-расм).



3.1-расм. Экрани тупроқ юзасига нисбатан жойлашиши
1-қувур, 2-экран, 3-ўсимлик


Ёниш камерасида ҳосил бўлган детонация тўлкини қувурнинг 1 очик томонидан чиқишда зарбли тўлқин ҳосил қилиб ҳавода тарқайди ва бу тўлқин орқасидан ёниш натижасида ҳосил бўлган маҳсулот ҳам чиқади. Зарбли тўлқин тупроқ юзасидаги қатқалоқга импульсли куч билан таъсир этиб уни парчалайди. Бу пайтда қувурнинг ёнида жойлашган экран 2 ўсимлик 3 ни зарбли тўлқин таъсиридан саклайди. Зарбли тўлқиннинг таъсирида қатқалоқ парчаланаяди ва кесаклар четга сурилаяди, натижада ғўзани ёки уруғни шамоллатишга имкон яратилади.

Ишлов беришнинг бу турида ишчи қисм билан тупроқ ўртасида механик тўқнашув йўқлиги учун ўсимлик шикастланмайди.

Бу усул тупроқни газодинамик юмшатиш (ГДРП-3) қурилмаси орқали амалга оширилиб, унинг иш унумдорлиги соатига 1,5 гектарни ташкил қилади.


ГДРП-3 қурилмаси (3.2-расм), Ғўза қатор орасига ишлов берувчи тракторига ўрнатилган ва қуйидаги қисмлардан иборат:

- қурилмани қисмлари ўрнатиладиган каркас;
- генераторлар учун ҳаво ва ёнилғини аралаштириб берувчи аралаштиргич;
- ҳаво-бензин аралашмасидаги химиявий энергияни тупроққа таъсир қилувчи детонация энергиясига айланттирувчи генератор;
- қурилмани бошқариш ва назорат қилиш мажмуаси.



**3.2-расм. Тупроқни газодинамик юмшатиш курилмаси
1- трактор, 2-қисмларни ўрнатадиган каркас, 3-компрессор,
4-ГДВ (генератор), 5-ариқ очғич**

Каркас (3.3-расм), қўзғалмас рамадан ва қўзғалмас рамага шарнирли бириктирилган қўзғалувчан рамадан иборат. Қўзғалмас раманинг юқори четки ҳолати - транспорт ҳолати, ўрта ва пастки четки ҳолати эса ишчи ҳолати бўлиб ҳисобланади. Генератор билан тупроқ юзаси орасидаги масофани ўзгартириш билан қатқалокга таъсир қиладиган кучни ўзгартириш мумкин бўлади.



3.3-расм. Каркас.

1-қўзғалмас рама, 2-қўзғалувчан рама. 3,5-гидроцилиндр, 4-вал, 6-ричаг, 7-кронштейн.

Аралаштиргич детонацион генераторлар учун ҳаво-бензин аралашмаси тайёрлаб беради. Аралаштирувчи сифатида тракторнинг қувват олиш валидан ҳаракат олувчи стандарт компрессордан фойдаланилади.

Компрессордан чиқётган ҳаво йўлига форсунка орқали бензин пуркалади. Автоматик созлаш мажмуаси эса ҳаво ва бензин нисбатларини бошқариб туради. Трактор тезлигига пропорционал равишда аралашма миқдори ҳам ўзгариб туради. Қурилмада ҳар бир қаторга икки донадан жами 8 дона детонацион қувур мавжуд. Шундай қилиб бир ўтишда 4 қатордаги экинга ишлов берилади.

Детонацион қувурнинг иш цикли қуйидагилардан иборат:

- детонацион қувурни ҳаво-ёнилғи аралашмаси билан тўлдирилиши;
- детонацион ёнишни иницировкалаш;

- ҳаво-ёнилғи аралашмасини детонацион қувурда ёниши;
- ёниш маҳсулотининг оқиши.

Биринчи иницировкаладан олдин детонацион қувур ёнувчи аралашма билан тўлдирилади. Детонацион қувурдаги босим атмосфера босимига тенг бўлади. Сўнгра қувурни берк томони яқинида детонацион ёниш иницировкаланади. Детонация тўлқини қувур бўйлаб уни очик томонига тарқалади, ёниш маҳсулоти эса товуш ҳосил қилиб атмосферага тарқайди. Ёниш маҳсулоти детонацион қувурда катта тезликда ҳаракатланади ва босим атмосфера босимидан пастга тушади. Детонацион қувурдаги ва аралаштиргичдаги босимлар фарқи ҳисобига қувур янги ёнилғи аралашмасига тўлади. Сўнгра цикл яна қайтарилади.

Детонацион қувур шу тартибда ишлаши учун қуйидаги шартларни бажариши керак:

- а) ёнилғи ва ҳаво миқдори маълум бир нисбатда бўлган, детонацияга моил ҳаво аралашмасини тайёрлаш;
- б) қисқа вақт ичида қувурни аралашма билан таъминлаш;
- в) детонацион ёнишни иницировкалаш;
- г) аралашма ўзи ёнмаслиги керак.

Ёниш камераси ички диаметри 50 мм, ташқариси қовирғалаштирилган қувурдан иборат. Камерани қизишида ёнилғи аралашмасини келтириш учун қурилма ва тесқари клапан кўзда тутилган. Чиқиш фланеци орқали у кичикроқ ўлчамдаги детонацион қувур билан қўшилган. Ёниш камерасида янги аралашма свеча ёрдимида юқори волтли электр импульс орқали ёндирилади.

Детонацион қувурнинг ҳажми асосий ишчи ҳажми бўлиб ҳисобланади. Бу ерда аланга детонацион тезликка эришади. Детонацион энергия олиш қувурнинг ҳажмига боғлиқ. Детонацион қувур алохида тайёрланган бўлиб охирида фланецли ички диаметри 25 мм ва узунлиги 1700 мм ли қувурдан иборат.

Бошқариш мажмуаси, генераторлар баландлигини бошқарувчидан аралашма ҳосил бўлиш мажмуасини ишга тушириш ва тўхтатишдан иборат, иницировкаланиш мажмуасини ишга тушириш ва тўхтатишдан, шунингдек детонацион қувур ишини назорат қилишдан иборат.

ГДРП-3 қурилмасида назорат қилиш мажмуаси, бирор-бир каналдаги иш тўхтаб қолса автоматик равишда агрегатни ишини тўхтатади.

3.2. ГДРП-3 - осма жихозини амалда ишлатиш натижалари.

ГДРП-3 қурилмаси амалда тажриба далаларида синаб кўрилди.

Дала тажрибаларини ўтказишда қуйидаги усул қўлланилди.

1. Тажриба даласи ГДРП-3 билан ва одатдаги мавжуд технология бўйича ишланадиган бўлақларга бўлинади. Барча далада умумий таснифга эга бўлган агротехник тадбирлар ўтказилди.

2. ГДРП-3 қурилмаси ёрдамида тупроқни юмшатиш ғўза униб чиққунча ва ғўза ривожланишининг турли даврларида амалга оширилди. Ишлов бериш бир мартадан бир неча мартагача.

3. Ҳар бир даладаги ишлов бериш ва ғўза ривожланиши то ҳосил йиғилгунча мутахасислар томонидан кузатилди.

4. Кузатишлар натижаси қишлоқ-хўжалигида қўлланилаётган усуллар бўйича қайта ишланди ва умумлаштирилди.

Агротехник кузатишлардан ташқари зарбли тўлқин билан ишланган тупроқ ҳам текширилди. Бунинг сабаби зарбли тўлқин ва ёниш маҳсулотлари таъсиридан сўнг тупроқдаги бўладиган кимёвий ўзгаришларни ўрганишдир.

3.1-жадвалда тажриба ва назорат даласидаги ғўзани ўсишини кузатиш натижалари келтирилган. Ўлчашлар август ойининг сўнгги кунлари ўтказилган

Фенологик кузатишлар натижаси

3.1-жадвал

Тажриба таснифи	Баландлиги см.	Тупдаги симподлар сони	Тупдаги кураклар сони
Назорат даласи (анъанавий ишлов)	78,3	12,4	10,1
Ўзани униб чиқишигача ГДРП – 3 қурилмаси билан ишланган	77,4	12,8	11,9
Ўза оммавий униб чиққанда ГДРП-3 қурилмаси билан ишланган	79,3	13,3	11,7

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, ГДРП-3 қурилмаси билан ишлов бериш ғўза баландлигига ҳам, ҳосил шохларига яхши таъсир қилар экан.

3.2- жадвалда эса назорат ва тажриба даласидан олинган ҳосилдорлик ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Фенологик кузатишлар натижаси

3.2-жадвал

Назорат даласидаги ўргача хосилдорлик (анъанавий ишлов) (га/центнер)	Тажриба даласидаги ўргача хосилдорлик (ғўза чиққунгача ГДРП-3 қурилмаси ишланган) га/центнер)	Тажриба даласидаги ўргача хосилдорлик (ғўза оммавий чиққанда ГДРП-3 билан ишланган) га/центнер)	Кўшимча хосил (ўргача)
35,3	38,2	37,90	+2,75

Шуни таъкидлаш керакки ГДРП-3 курилмаси билан ишланган майдондаги ғўзалар назорат даласидагига нисбатан 10-12 кун олдин етилди.

Детонацион тўлқинни тупроққа таъсири етарли даражада ўрганилди. Баъзи бир натижалар 3.3-жадвалда келтирилган.

ГДРП курилмаси билан тупроқни ишлаганда ундаги микроорганизмларга таъсири.

3.3-жадвал

Тупроқ намуналари	Горизонт см.	Микроорганизмларнинг физиологик гурухлари					
		Ёғли нордон	Денификатор	Аммо-нификатор	Нитрификатор	Азотобактер	Аъроноцеллюлозали
ГДП билан ишлагунга қадар	0-10	10^6	10^5	10^5	10^4	10^5	10^4
ГДРП билан ишлагандан сўнг	10-30	10^6	10^6	10^6	10^4	10^4	10^4
	0-10	10^6	10^6	10^7	10^5	10^6	10^3
ГДРП билан ишлагандан	10-30	10^7	10^6	10^8	10^6	10^5	10^4
	0-10	10^7	10^4	10^5	10^5	10^6	10^5
1 суткадан сўнг	10-30	10^6	10^5	10^7	10^5	10^6	10^5

Шундай қилиб, зарбли тўлқин таъсири бактериялар сонини кўпайтиради, тупроқдаги ўсимлик қолдиқларини бирламчи ўзлаштиришни, чириндини ҳосил бўлишини ва чириндини оксидланиши ва минералланишини

тезлаштиради. Бу ўсимликни ўсиш кўрсаткичларини яхшилайти.

Юқорида айтиб ўтилган газодинамик усул объектга механик инструмент сифатида тўқнашмасдан газ аралашмасининг махсус ярати лган мухитда портлаши натижасида хосил бўлган газодинамик зарбли тўлқинлари билан таъсир этади.

4. ГАЗОДИНАМИК ЗАРБЛИ ТЎЛҚИН ЭНЕРГИЯСИНИ ОБЪЕКТГА ТАЪСИР ЭТИШ УСУЛИНИ ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИГА ТАДБИҚИ

4.1. Газодинамик зарбли тўлқин энергияси асосида яратилган пахта териш машинасининг тузилиши.

Маълумки пахта теришнинг механизациялашган принципида механик инструмент пахта толасига тўқнашиб илаштириб чаноқларидан олиб, сўнг ҳаракатдаги ҳаво ёрдамида машина бункерига ташлайди.

Биз бу ерда механик инструмент принципида ишлайдиган машинани афзаллик ва камчилик томонларини айтиб ўтирмаймиз, чунки барчамиз бу жараённи яхши биламиз. Лекин иккита ҳолатни айтиб ўтиб кетишни лозим кўрдик:

а) Ҳозирги пайтда дунё бўйича ишлаб турган пахта териш машиналарининг барчаси механик принципига асосланган. Пахта етиштириш технологияси ҳам шу механик усулга асосланган.

б) Шу пайтгача матбуотда эълон қилинган барча илмий мақолалар, интернет маълумотларида механик принципдан бошқа усул тўғрисида ҳеч қандай хабар йўқ.

Шу фактлардан кўриниб турибдики, механик принципда ишлайдиган пахта териш машиналарини биринчи марта яратилганига мана 70 йилдан ортиқ йил бўлибдики, шу пайтгача шу сохани конструкторлари, етук мутахассислари ва олимлари бошқа усулни таклиф қилиша олмаяптилар. Бу шуни билдирадики бу масала жуда мураккаб эканлигини.

Шулардан келиб чиқиб таклиф қилинаётган усул орқали барча масалалар ечиلىб муаммо ҳал бўлади деб бўлмайди. Лекин масалаларни ечими, муаммоларни ҳал

қилиш устида ишлаш, қидириш ишларини олиб бориш натижасида ҳақиқий усуллар яратиш мумкинлигига ҳеч ким эътироз билдирмаса керак.

Қуйида таклиф этилаётган янги усул тўғрисида биринчи марта қисқача маълумот берилмоқда.


Бу ерда биз биринчи мартаба портлаш орқали газодинамик детацион тўлқин кучи таъсирида пахта шонасидан толаларни бўшатиб машина бункерига ташлаш устида бажарилган тадқиқотлар тўғрисида маълумот бермоқдамиз. Бу тадқиқотлар яқунланган эмас, улар устида ишланмоқда.

Детонацион зарбли тўлқиндан ҳосил бўлган импульс кучига асосланиб яратилган пахта териш қурилмасини тадқиқот натижаларини муҳокама қилишдан аввал, шу усулга яқин бўлган шу пайтгача анча шов-шувларга сабаб бўлган пневморезананс принципида ишлайдиган пахта териш машинаси устида тўхталмоқдамиз.


